

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ ФАСЛИ БАҲОР — НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины — здоровье

Ўзбекистонда соғ'лиқни саqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган www.uzssgz.uz, uzss@med.uz 2009 йил 20-26 март № 11 (630) Жума кунлари чиқади

Хурматли тиббиёт ходимлари!

Нафосат ва гўзаллик рамзи ҳисобланган Наврўзи олам билан барча тиббиёт ходимларини самимий муборакбод этаман.

Юртимизга баҳор фаслининг кириб келиши табиат ва инсонлар руҳиятида янгилашни нафаси, атроф-муҳитда эса тозалик, ободонлаштириш тадбирлари қизғинлик билан олиб борилаётган бир пайтда тиббиёт ходимлари ҳам гўзал баҳорни кўтаринкилик кайфияти билан кутиб олмоқдалар. Зеро, Наврўз байрами замирида халқимизнинг инсонпарварлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби ажойиб фазилатлари мужжасам. Республикамиз бўйлаб ўтказилаётган кўкаламзорлаштириш ишлари, умумхалқ ҳашарлари доирасида ҳам ана шундай эзгу қадриятларимиз ифодасини кўрамиз. Шунинг учун, табиатдаги уйғониш ва юксалишни беvosита тиббиёт ходимларининг инсонлар саломатлиги йўлида олиб бораётган масъулиятли саъй-ҳаракатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Наврўзи олам — эзгулик, комилликка етакловчи азалий қадриятларимиздан бири экан, бу йўлда барчамиз бирдамлик, уюшқоқлик кайфияти билан ўзимиз ишлаётган ҳар бир масканни обод этиб, инсонлар соғлиги йўлида астойдил хизмат қилиб, бор куч ва ғайратимизни эзгу ишларга бахшида этмоғимиз лозим.

Яна бир бор барча тиббиёт ходимларини Наврўз байрами билан чин юракдан қутлаб, уларнинг оилаларига тинчлик-тотувлик, ишларига эса ривож тилаб қоламан.

Феруз НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.



Келақол, Наврўзим, Наврўзи олам,
Мангуга интилган қадамим сенсан.
Шоирлар кўлига тутганда қалам,
Шеърларга айланган илхоми сенсан.

Келақол, мустақил юртим Наврўзи,
Ўзлигин таниган халқим тилаги.
Келақол, ўзбекнинг соғинган сўзи,
Истиқбол йўлида урган юраги...

Благодарность

ОТ ЧИСТОГО СЕРДЦА...

Видеть красоту окружающего нас мира глазами — это огромный дар. Но мы воспринимаем его как должное, не уделяя этому достаточного внимания.

В августе 1953 года я потеряла зрение правого глаза от падения кирпича на голову — травматическая катаракта. В результате я могла видеть только свет. Проводилось плановое лечение, через некоторое время после которого от воспалительного процесса образовались спайки зрачка. Было назначено оперативное

вмешательство. Однако в силу разных причин проведение операции затягивалось.

16 февраля 2009 года в Республиканском специализированном центре микрохирургии глаза прекрасным врачом Зафаром Умаровичем Сидиковым была проведена сложная операция, в результате которой я стала снова видеть мир. Радость переполняла меня, она еще и удвоилась после того, как моему супругу была успешно сделана операция по удалению катаракты.

Пользуясь случаем, мы хоте-

ли поблагодарить весь коллектив Республиканского специализированного центра микрохирургии глаза, а особенно, Зафара Умаровича и Вахида Убайдуллаевича. Желаем крепкого здоровья, семейного счастья и больших успехов в работе. И пусть наступающий праздник весны Навруз принесет вам массу положительных эмоций.

Спасибо и низкий вам поклон!

Н. ПЛЕХАНОВА,
Б. ПЛЕХАНОВ,
г. Ташкент.

УШБУ СОНДА:

2-бет

**ФАРЗАНДЛАР
КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА**

3-бет

**ИСТИҚБОЛЛИ
МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ**

7-бет

**ҚАЛЬЛАРДА МАНГУ,
АВЛОДЛАРГА ИБРАТ**

ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

- НОВОСТИ
- СОБЫТИЯ
- КОММЕНТАРИИ

УЮШҚОҚЛИК ВА БИРДАМЛИК БИЛАН

Республикамызда Наврўз байрамини нишонлаш олдидан умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

2009 йилнинг 14-15 март кунлари Президентимиз томонидан республикада умумхалқ хайрия ҳашари деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли барча тиббиёт муассасалари ва олий ўқув юр்தларида Наврўз олди умумхалқ хашари самарали тарзда яқунланди. Шунингдек, хашар асносида кўчалардаги дов-дарактлар оқлаиб, қайта пайвандланди. Атроф-муҳитни тоза ва озода тутиш ҳамда кўкаламзорлаштириш мақсадида гул ва мевали дарахт кўчатла-



ри ўтказилди. Ушбу тadbирнинг унумли ўтишида ҳамма шифокору ҳамширалар, талабалар фаол қатнашиб, ободонлаштириш ва

кўкаламзорлаштириш ишларини ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Давлатимиз сиёсати ва соғлиқни сақлаш тизими ислохотларининг бош мақсади оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш экан, бу йўналишда кўплаб ҳамкорлик ва миллий дастурлар режаси амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Чунки, соғлом авлодни дунёга келтириш ва ривожлантириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан кўпгина мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айниқса, туғруқ мажмуаларини замонавий тиббий техникалар билан жиҳозлаш ва уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда.

Жорий йилнинг 17-18 март кунлари пойтахтимизда «Соғлиқни сақлаш тизимида болалар соғлигини мустаҳкамлаш ва уларни овқатлантириш борасида ишларни яхшилаш»га бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг етакчи мутахассислари, болалар шифокорлари ва хорижий экспертлар иштирок этишди.

Йиғилишни Соғлиқни сақлаш

ли мутахассисларни жалб этиш долзарб масала эканлигини алоҳида таъкидлади.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мишель Тайяднинг сўзларига кўра, болалар овқатини озуқавий моддалар ва минераллар билан бойитиш жаҳон тажрибасида яхши самара бериши ва бу борада ҳам мамлакатимиздаги

ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУҚУҲИ

Янгиликни ва яшариш фасли гўзал баҳорда Наврўзи олам байрамининг нишонланиши ҳар бир ватандошимизнинг қалбига байрамонга кайфият ва қувонч олиб келади. Бу кунни ҳар биримиз ҳам интиқлик билан кутамиз. Чунки, яхшилик ва эзгуликка йўрилган мазкур санада юртимизнинг барча гўшаларида кўтаринки кайфиятда байрам тантаналари нишонланади.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Наврўз байрамини шодиёналарига бағишланган тadbир кечаси бўлиб ўтди. Унда республика тиббиёт тизимидаги меҳнат фахрийлари, тиббиёт ходимлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тadbирни Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров кириш сўзи билан очиб, мустақил юртимизнинг сеvimли байрамини бўлган Наврўзи олам тўғрисида гапирар экан, ҳар бир хай-

рли ва савобли ишда янгиликни, яшариш фасли баҳорнинг ўрни ўзгача эканлигини таъкидлаб, йиғилганларни мазкур айём билан самимий қутлади. Шунингдек, тиббиёт соҳасида ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор қозонган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эҳтиром кўрсатилиб, уларга эсдалик совгалари ва пул мукофотлари топширилди.

Тadbирда сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан яратилган эътибор ва ғамхўрликлар-

дан мамнунликларини ўзларининг эътирофи фикрларида баён этдилар.

Байрам кечасида халқимизнинг сеvimли санъаткорлари, кулгу усталари иштирокида концерт дастури бўлиб ўтди. Кўтаринкилик кайфиятида ўтган байрам шодиёнаси йиғилганлар қалбига нафосат, гўзаллик ва шодлик куйчиси бўлган Наврўз шуқуҳини олиб кирди.

Халқимизнинг ана шундай боқий байрамлари бор экан, унинг замирида юртдошларимизнинг меҳнатсеварлик, фидойилик, Ватанга садоқат каби фазилатлари мўжассам бўлиб, бу аънаа асрлар оша ўз қадр-қимматини йўқотмайди.

Ибодат СОАТОВА.



вазирининг ўринбосари А. Комилов кириш сўзи билан очиб, тизимида оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш ишлари, айниқса, болалар саломатлигини яхшилашда овқатланишнинг ўрни, сифати ва самарадорлиги хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, «Соғлом онадан – соғлом бола» аънаасига мувофиқ республикадаги барча туғруқ мажмуалари давлатимиз томонидан етарли шарт-шароит ва қулай имкониятлар билан таъминланганлиги ҳамда замонавий технологиялар билан ишлашда тажриба-

кўплаб лойиҳавий тadbирлар бошлаб юборилганлигини эътироф этди. Хусусан, ёш оналар билан яқин ҳамкорликда ишлаш, уларнинг бола парвариши тўғрисидаги билимларини ошириш, керакли мутахассис маслаҳати ва тавсиясини бериш, бу йўлда эса кенг жамоатчиликни жалб этиш масалалари иштирокчилар фикрида баён этилди.

Тadbир сўнггида 2008 йил давомида болалар овқатини яхшилаш юзасидан олиб боришдан ишлар сарҳисоб қилинди.

Намоз ТОЛИПОВ.

В ПРЕДДВЕРИИ ПРАЗДНИКА ВЕСНЫ

Наврўз – самый долгожданный и прекрасный праздник весны, олицетворяющий пробуждение природы и начало новой жизни. Издавна многие народы Азии с трепетом готовились к его встрече.



По всей республике проводятся торжественные мероприятия. Не остаются в стороне и представители медицины.

17 марта текущего года в Ташкенте прошло торжественное мероприятие, посвященное празднованию Наврўза, а также 2200-летию города Ташкента. Инициаторами праздника стали Ташкентский городской филиал Республиканского Института здоровья и медицинской статистики, а также семейная поликлиника № 51 меди-

цинского объединения Юнусабадского района. На мероприятии приняли участие представители хокимията, профсоюз Юнусабадского района, женского комитета махалли «Шахристан» и др.

В рамках мероприятия был проведен смотр-конкурс среди девушек на тему «Для здоровья женщин и детей Ташкента». На

Пользуясь случаем, хотелось бы поздравить весь народ республики с наступающим Наврўзом и пожелать всего наилучшего, крепкого здоровья и больших успехов!

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Автор фото Сабир МАДЖИДОВ.

конкурсе приняли участие 4 девушки – ответственные и трудолюбивые работницы 51-й семейной поликлиники. Здесь им представилась возможность продемонстрировать свои профессионализм, знания в области истории и современности Ташкента, а также кулинарные способности.

Итак, одна за другой четыре девушки представили свои номера, ответили на различные вопросы, касающиеся истории Ташкента. С большим удовольствием наблюдая за участницами, их стремлением с отличием справиться с каждым этапом конкурса, нас наполняло чувство гордости за то, что на нашей земле растет и развивается такое одаренное молодое поколение.

Этап за этапом мы подошли к завершающей стадии, на которой стали известны имена победителей конкурса. А ими стали Ю. Баратова и Н. Тоирова (I место), а оставшимся двум участницам – М. Садиқовой и С. Саиповой было присуждено II место. Несомненно, проведение данного мероприятия стало незабываемым событием для каждого участника и принесло массу положительных эмоций.

Поэзия

НАВРЎЗ

При мысли о нем сердце вдруг встрепенется,
И сердце словно зимы сбросит груз.
Вновь землю разбудит лучистое солнце,
Весна наступила, приходит Наврўз!

Усердно о нашем здоровье печется,
Растают как льдинки, тревоги и грусть.
Краса-то какая – взгляни из оконца,
Весна наступила, приходит Наврўз!

Характером с матерью схожа природа,
Пар с теплых полей – как дыхание из уст...
И ливни сметают сор прошлого года...
Весна наступила, приходит Наврўз!

И снова душа наполняется светом,
На крыльях любви и пленительных уз
Зовет нас к участию. И чувством ответным –
Весна наступила, приходит Наврўз!

А. АРИПОВ.


Медицинский календарь

- 24 марта – Всемирный день борьбы с туберкулезом
- 7 апреля – Всемирный день здоровья
- 12 мая – Всемирный день медсестер
- 31 мая – Всемирный день борьбы с курением
- 1 июня – Международный день защиты детей
- 14 июня – Всемирный день донора
- 26 июня – Международный день борьбы с наркоманией
- 2-е воскресенье ноября – День медицинского работника
- 1 декабря – Всемирный день борьбы со СПИДом
- 3 декабря – Всемирный день инвалидов.

Эътироф

ИБРАТТА АЙЛАНГАН ҲАЁТ ЙЎЛИ

Халқимизда «Халоллик – мартабани безайди» деган ҳикмат бор. Бу сўз замирида нечоғлик ҳақиқат яширин эканлигини, яхшилик ва эзгулик йўли қалбларда мангу қолишини устоз-шифокор, академик Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаевнинг илмий-амалий фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Инсонлар дуосини олишдек савобли касбда меҳнат қилишни ҳам фахр, ҳам бурчга саноқат деб билган Марказий Осий респираторлар жамияти аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош пульмонолог, Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг пульмонология ва клиник аллергиялогия кафедраси муdiri, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиб, академик Абдулла Убайдуллаев бу йил 75 баҳорини қарши олдилар. Ушбу кутлуғ сана ва босиб ўтилган улкан довонлар устознинг ибратли ҳаёт йўлидан далолат беради, десак муболага бўлмайди.



Меъморлик санъатидан шифокорлик касбияча...

– Болаликдаги оқруғим моҳир архитектор бўлиш эди. Бу хавасин мактаб даврларидек шаклланиб, турли суратлар, ажойиб макетлар ясаб билан қизиқарли туолсада, аммо келажакда мени қандай тақдир йўли кутаётганлигини билмас-

зодлик ишимни ҳимоя қилдим. Интилганга толе ёр, дейишди. Ушанда мақсадим докторантурани Москвада ўқиш эди. Барча ниятларим рўйбга чиқди. 1971 йилда А. Л. Мясников номи кардиология институтига қабул қилиндим ва докторлик диссертациямни яқунлаб, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтига тиббиёт-

Устоз йўлари...

– Инсондан фақат яхши ном қолар экан. У қаерда, ким бўлиб ишлагасин, атрофдагиларга эзгу амаллари билан фойда келтиришни мақсад қилиб олади. Зеро, ҳаёт фаолиятим давомида кимларнингдир дарадига малҳам бўлиб, уларни ҳаётга бўлган ишончини орттира олган бўлсам, демак, мен ўзимни бахтёр ҳисоблайман. Уйрим ўтган сари орта разм солиб, ҳар бир вақтимни қимматли билиб, сарҳисоб қиламан. Нималарга эришдим, нималарни йўқотдим, деган савол ҳаёлимдан кетмайди. Ягона умидим, издош шогирдларим борлиги, атрофдаги ҳамкасб-дўстларимнинг менга бўлган ишонч ва ҳурматларининг йўқолмаганидир, деб биламан.

дим. Ҳаёт тасодифларга тўла экан. 10-синфда ўқиб юрган кезларим отамни оғир ахволда шифокорларига ётқизишди. Шифокорларнинг кечаю-кундуз кўрсатган ёрдамларига қараб, уларга хавасин келарди. Бу воқеадан сўнг, ҳаётимда катта ўзгариш бўлиб, мен Тошкент Давлат тиббиёт институтининг талабасига айландим.

Илмий фаолият – келажакка бўлган ишонч

– 1958 йили институтни битиргач, устозларимнинг тавсияси билан менга профинфектиология бўлими ординатори вазифасини ишониб топширишди. Ўз устимда тинимсиз ишлаб, ота-онам, ўқитувчиларим ишончини оқлашга ҳаракат қилдим. Илк фаолиятимни Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг терапия кафедрасида клиник ординаторликдан бошладим. Кафедра мудир, профессор С. Мушкнинг тавсияси билан аспирантурага ҳужжат топширдим. Илмий раҳбарим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Э. Абдуллаевнинг юксак ишончи олдида 1964 йили ном-

фанлари доктори бўлиб келдим. У ерда даставвал декан, даволаш ишлари бўйича проректор, аynи кунда эса институтнинг пульмонология ва клиник аллергиялогия кафедраси мудир, Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори лавозимига ишлаб келяпман. Отамнинг берган ҳар бир сабоғи-ю, панду насихати, онажонимнинг дуолари менинг ҳаётдаги ўрнини топишга, ана шундай муваффақиятларга эришимда ёруғ йўл бўлиб келди.

Шогирдлар даврасидаги бахтиёрлик...

– Шифокорнинг бахти – унинг ортдан қолажак издош шогирдларидадир. Чунки, давр ўзгаргани сайн, соҳада амалий тажрибалар кўпайиб бормоқда. Ёнимдаги шогирдларим билан бирга даврга мос рўхда изланишлар, янгидан-янгидан фан уфқларини очишга ҳаракат қиламиз. Мен улардаги ёшларга хос шижоат, гайратни кўриб, қувонаман, тиббиётимиз равнақи юксалиб боришига умид билан қарайман.

Ҳа, ўз касбининг моҳир билимдон, юксак салоҳият эгаси, етук олим Абдулла Убайдуллаевни 75 баҳорини билан кутлар эканмиз, у кишидаги қамтарлик, ёшларга хос шижоат ва гайрат, жасрат ҳеч қачон тўхтамаслигини тилаб қолдик.

Сухбатдош: Намоз ТОЛИПОВ.

Фармон ва Қарор ижроси амалда

ИСТИҚБОЛЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Маълумки, кейинги йилларда тиббиёт тизимида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бораётганлигини даволанувчилар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар, замон талаблари асосида бунёд этилаётган тиббиёт муассасалари, янги технологиялар ҳамда малака-

ли кадрларнинг меҳнат фаолиятларида кўришимиз мумкин. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурининг амалдаги ижроси ўзининг ижобий натижаларини бераётгани ва соҳадаги туб ўзгаришларга сабаб бўлаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони, «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли қарори асосида тизимда яна ўзига хос янгилинишлар бўлиб, аynи кунда уларнинг ижроси бўйича фаолиятлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Шу жумладан, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ҳам Фармон ва Қарор ижроси йўлида муайян ишлар қилинмоқда. Айниқса, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказидаги фаолиятлар ҳам бундан мустақоз эмас.

минлаш ва бажариш мақсадида, 1-Вилоят шифохонаси 2008 йил 1 январдан Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантилди. Шунингдек:

1. Меъёрий ҳужжатлар асосида амалдаги штатлар ҳақвади қайта кўриб чиқилди ва молия идораларида рўйхатдан ўтказилди.

2. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг янги штат меъёрлари ишлаб чиқилди.

3. Бўлимлар номи Низом, тузилимада белгиланганидек, ташкиллаштирилиб ёзилди.

4. Офтальмология, қон-томир хирургияси, кардиоревматология бўлимлари очилди. 2009-2010 йиллар давомида структура асосида интенсив терапия блокиннинг ҳамда операция блокиннинг капитал қурилиши режалаштирилди.

5. Ортопедия ва Жароҳат оқибатлари бўлимлари қўшилди ҳамда Жароҳат оқибатлари ва ортопедия деб номланди.

6. Реабилитация физиотерапия бўлимига қўшилиб, физиотерапия-реабилитация бўлими деб номланди.

Марказнинг Низомини, ташкилий-меъёрий ҳужжатлари, штамп ва муҳрлари Низомга мувофиқлаштирилиб қайта ишлаб чиқилди, ўрнатилган тартибда вилоят, шаҳар ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказилди.

Муассасамиз 405 ўринга эга бўлиб, унда 21 та клиник ва 7 та параклиник бўлимлар мавжуд. Шу ўринда эътироф этишим жоизки, биринчи вилоят шифохонаси 1924 йил ташкил этилган бўлиб, 84 йиллик тарихга эга. Албатта, бу давр ичида ушбу тиббиёт муассасамизда қўллаб тажрибали шифокору ҳамширалар аҳоли саломатлиги борасида астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар.

– Ҳар бир йил ўзига хос ном билан аталар экан, унинг замирида инсон саломатлиги ётади. Шундай экан, ўтган Ёшлар йилда қандай ишлар амалга оширилди?

– «Ёшлар йили» Давлат дастурининг барча йўналишлари ўз вақтида сифатли бажарилиб, босқичма-босқич амалга оширилди ҳамда дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида омма ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Айниқса, Ёшлар йили муносабати билан жамоа шартномасига қуйидаги тақлифлар киритилди ва бажарилди:

– меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш мақсадида оғир беморлар ётадиган хоналар таъмирланди, шарт-шароитлар яратилди;

– торакал хирургия ва урология бўлимлари, операция хоналари советичи-иситич системалари билан таъминланди;

– йил давомида бемор бўлган, кам таъминланган ходимлар соломатлигини тиклаш учун 500 минг сўмлик дори-дармон ажратилди;

– қўшимча 100 минг сўмлик спорт инвентарлари сотиб олинди;

– ижтимоий ҳимояга муҳтож

бўлган, ногирон ходимларимиз йилига бир мартадан тиббий аптечалар билан таъминланиб, улар қоҳидан хабар олиб турилди.

Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш масалари бўйича буклет, плакат кўргазмали қўлланмалар чоп этилиб, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари ҳамда аҳолига тарқатилди. Бунинг баробарида ОИВ/ОИТС, кашандалик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва ижтимоий хавфли касалликларнинг зарари ва профилактикаси бўйича босма оммавий ахборот воситаларига материаллар бериш билан бир қаторда телевидение ва радиозенитириш тариқларида мутахассисларимиз томонидан чиқишлар қилинди.

– Барча соҳа ютуқлари кадрлар салоҳияти билан боғлиқ бўлади. Кўриниб турибдики, тиббиёт марказининг фаолияти мутахассислардан катта меҳнат талаб қилади. Шундай экан, кадрлар масаласига бўлаётган эътибор қандай?

– Ҳақиқатан ҳам ҳар бир муассасадаги иш фаолиятининг самарадорлиги кадрларнинг билими ва тажрибасига боғлиқ. Аввало, жамоада ишлаётган кадрлар учун керакли шароит ва имкониятлар мавжуд бўлиши лозим. Шунингдек, уларнинг ўз вақтида малакасини оширишга эътибор бериш ҳам муҳим масалалардан биридир. Дарҳақиқат, шифохонамиз тиббиёт марказига кадрларини янгидан сўнг муассасамизда етишмаётган мутахассисликлар ва кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича режа ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Вилоят аҳолисиغا 566 нафар тиббиёт ходими тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт ходимлари меҳнати-га ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 229-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнати-га ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 276-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 1 февралдаги 50-буйруғи «Олий ҳамширалик иши», «Ўрта тиббиёт ва фармацевт мутахассис ходимлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор ва буйруқларига асосан марказда 92 фоииз врач тоифаланган, улардан 56 фоизи – олий, 36 фоизи эса биринчи тоифали. Ўрта тиббиёт ходимлари 294 нафарни ташкил этса, шунлардан 60,5 фоизи тоифага

(Давоми 4-бетда).

Фармон ва Қарор ижроси амалда

ИСТИҚБОЛЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

эга бўлиб, 40,5 фоизи олий, 17 фоизи биринчи ва 2,1 фоизи иккинчи тоифага эга. Утган йил давомида 12 нафар врач ўз мутахассислиги бўйича малакасини ошириб келди. 150 нафар ўрта тиббиёт ходими эса Республика тиббий ва дорихуносноқ ходимлар малакасини ошириш марказининг Термиз филиалида малакасини бойитиб қайтди. 20 нафар мутахассисимиз Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида ўтказилган анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 15 июндаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш усувлари йўналишлари тўғрисида»ги 242-сонли ҳамда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий куриқдан ўтказиш тўғрисида»ги 365-сонли қарорларини кенг тарғиб қилиш юза-

га марказ ходимлари бир йилда 1 марта тўлиқ тиббий куриқдан имтиёзли тарзда ўтказилади.

– **Фахр билан айтиш мумкинки, кейинги йилларда республика тиббиёт тизимига катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса, тиббиёт масканларининг замонавий бунёд этилиши, шунингдек, капитал таъмирдан чиқарилиши, янги технологичларнинг кириб келиши, унда малакали кадрларнинг фаолият олиб бораётганлиги жaxon ҳамжамиятида Ўзбекистон тиббиётининг ҳам ўз ўрни борлигини кўрсатмоқда. Бу ҳақда фикрингиз?**


– Республика тиббиёт тизими фаолиятига берилган бундай эътирофини ўзининг, деб биламан. Ҳақиқатан ҳам, аҳолада муайян ўзгаришлар бўлди. Бу албатта, давлатимизнинг тизимига бўлган айтибор ва ғамхўрлигидир. Айтиш жоизки, замонавий кишлоқ врачлик пунктлари,

аъзолари, тос суяклари ва умуртқа поғонаси касалликлари, онкологик ҳамда гинекологик хасталикларни аниқлашда катта ёрдам бермоқда. Ушбу аппарат вилоят аҳолисини республика ҳамда шаҳар клиник шифохоналарига мурожаат этишларини камайитириб, иқтисодий қийинчиликлар баргараф этилишида катта кулайликлар яратмоқда.

Компьютер томограф аппаратада фаолият юритиш учун марказимиздан 4 нафар врач Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ва Тошкент шаҳридаги Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказида ўз малакаларини ошириб қайтишди.

Маслаҳат поликлиникамизда видеогастр оскоп аппарати бўлиб, унда беморларга ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этилган. Жумладан, мазкур аппарат орқали қизилўнғач, ошқозон ва ўн

сарф-харажатини камайитириш ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида терапия ҳамда хирургик касалликларни даволашда лимфотерапия усули жорий этиб, амалиётда қўллашмоқда. **Абдоминал хирургия бўлимида эса УЗИ аппарати орқали буйрак ва кўкрак қорин бўшлиғи кисталари идеал эхиноккок касалликларидея пункция йўли билан хирургик амалиёт ўтказилиб, эхиноккок касаллигининг олдини олишда ва операциядан кейинги рецидивларга йўл қўймаສлик учун албендазол, мезиндазол таблеткалари қўлланилмоқда.** **Анестезиология-реанимация бўлимида** юқори частотали сунъий нафас беришда Гиперборик оксигенация перидурал огриксизлантисришни кенг қўллаш ва оғир беморларга Германиянинг «Драйгер» фирмасидан келтирилган



сидан йил давомида 66 нафар мутахассис вилоят туманларига хизмат сафарига юборилди. Узининг халол меҳнати ҳамда фаоллиги билан фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиб келаятган ходимларимизни моддий рағбатлантириб келмоқдамиз. Давлатимиз томонидан шифокор ва ҳамшираларимиз меҳнати инобатга олиниб, улар кўплаб орден, медаль ва унвонларга эга бўлишган. Эътироф этиш жоизки, жамоамизда «Ўзбекистон Қахрамони», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» каби нуфузли унвонларнинг соҳиблари ишлаётганлигидан фахрланасак арзийди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиги» кўкрак нишони билан ҳам бир қанча шифокорларимиз тақдирланган.

Байрам кунларида икки баварав, тунги навбатчиликда бўлган ходимларимизга 1,5 баварав миқдорига қўшимча ҳақ тўланди. Зарарли шароитда ишловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарорига асосан 15 фоиздан 30 фоизгача қўшимча иш ҳақи берилди. 20 нафар ходим Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида малака ошириш курсларида ўқитилди, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланди. Рентген ва реанимация бўлимларида фаолият юритаётган ходимларга 30 кун, нейрохирурларга эса 42 кун иш кунмиқдорига меҳнат таштили берилди. Давлатимиз томонидан ҳар йилнинг иккинчи томиданбази – Тиббиёт ходимлари кунли сифатида нишонланиши шифокор ва ҳамширалар меҳнатига бўлган ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Мазкур байрам тадбирида ходимларимизни рағбатлантириш доимий аънамага айланган. Шу билан бир-

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиаллари, иқтисослаштирилган, илмий-амалий марказларнинг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятдаги ўрни аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмаган, у ерда янги технологияларда малакали кадрларнинг хушёрлик ва маҳорат билан ишлаётганликларини кўриб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошаётганлигига гувоҳ бўласиз. Шундай экан, мазкур йўналиш бўйича тиббиёт марказимизда ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Утган давр мобайинда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури асосида Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ҳамда «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли қарорини бажариш борасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилиб, соғлиқни сақлаш тизимини реконструкция-реконструкция қилиш йўналишида марказ структурасига янги ўзгаришлар киритилди, яъни кардиоревайтология, қон-томилрлар хирургияси, офталмология, физиотерапия ва реабилитация, нурли диагностика бўлимлари очилиб, ишга туширилди, кадрлар билан таъминланди.

2007-2008 йиллар давомида Германия Федератив Республикаси томонидан «Brillians-ST-6» русумли компьютер томограф аппарати келтирилди. Мазкур янги технология ҳозиргача муаммо бўлиб келаятган боша орқамиа касалликлари, шунингдек, қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси

икки бармоқли, ингичка ичакни даволаш усуллари, ички хирургик муолажалар, ёт жисмларни олиш, коагуляция қилиш, биопсия ишлари бажарилса, **видеоколоноскопод** эса тўғри ичак, сигма, пастроа тушувчи, кўндаланг-чамбар, юқорига кўтарилауви ичак аъзоларига ташхис қўйилади. **Видеобронхоскопод** трахея, бронхлар, бронхиолалар текширилади. Уларни дорилар юбориш муолажалари, ёт жисмларни олиш, ловаж ўтказиш, коагуляция, биопсия қилиш усуллари билан даволаш мумкин. **Ва ультратовушли текширув аппарати** орқали юрак, қалқонсимон без, қорин бўшлиғи аъзолари, жигар ўт йўллари ва ўт пуфаги, ошқозон ости беши, буйрак ва буйрак усти беши, ички жинсий аъзолар касалликлари ва хомила ривожланиши аниқланади.

Шу билан бирга поликлиниканинг клиник диагностика лабораторияларида клиник, микробиология, биохимик таҳлиллар ўтказилади. Лаборатория вилоятнинг туманлари ва Термиз шаҳридан тушган беморлар учун тезкор клиник, бактериология ва биохимик анализлар қўйидаги замонавий асбоб-ускунлар ва анжомлар билан амалга оширилади:

Коагулометр аппаратада қон ивиш тизими аниқланад. **Спектрофотометр** аппаратада турли биохимик анализлар таҳлил қилинади. **Гемоглобин фотометрда** эса қон таркибидея гемоглобин, **Электробиноклар микроскоп** аппаратада умумий қон шакли ва пешоб элементларини тарқалган ҳолда кўриш ишлари бажарилса, **Фотоэлектрокolorометр** аппаратада қоннинг биохимик таҳлиллари ўтказилади.

– **Марказда даволаш диагностика ва текшириш ишлари яхшилаш мақсадида бўлимларда қандай замонавий тиббий тадбирлар қўлланилмоқда?**
– **Торакал хирургия бўлими** мутахассислари дори-дармонлар

